

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли хуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчилигидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самараасизлиги, идоралараро мустаҳкам ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек патент божлари ва тўловларининг юқори даражада эканлиги ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни хуқукий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умум эътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимиға ўтказилсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

Белгилансинки:

Агентлик, шу жумладан Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази мавжуд штат бирликлари ва **моддий-техник** базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва **моддий рафбатлантиришнинг** амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари — директор бошчилик қиласи;

Агентлик директорининг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг, Агентлик бир иш кунини мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради;

ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги ёзма эътиrozларини тақдим этишлари мумкин;

товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлоқ хуқуқ, товар келиб чиқсан жой номи ва (ёки) товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуки (кейинги ўринларда — товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади;

товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўнги уч йил мобайнида узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек, жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни факат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли давлат хизматларини қўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар лойиҳаларини киритсин.

5. Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий **жавобгарлик** юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб патент вакиллари ҳар беш йилда камида бир марта кейинчалик аттестациядан ўтказилган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида ўз малакаларини оширишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда илғор таълим стандартлари ва технологиялари ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг ўқув ва илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиб механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **Фармонига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментига «хуфиёна иқтисодиёт» шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш функциялари юклангандан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти билан биргаликда:

2019 йил 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ҳаммага маълум товар белгиларининг ноҳалол рўйхатдан ўтказилишини аниқлаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган барча товар белгиларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва қонун талаблари бузилган ҳолда берилган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш чораларини қўрсинг;

интеллектуал мулк соҳасида хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни қўрсинг.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қўйидагиларни таъминловчи интеллектуал мулк обьектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

хуқукий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш;

интеллектуал мулк объектлари хуқукий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганда уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва чиқариш;

интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргалиқда интеллектуал мулкнинг ишончли хуқукий ҳимоясини, шу жумладан Мулк хуқуқини ҳимоя қилиш халқаро индекси мезонларини инобатга олган ҳолда таъминлашнинг замонавий баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш бўйича Комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсан ва 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда 2020 йил 1 январдан бошлаб интеллектуал мулк соҳасидаги интеграция жараёнини инобатга олган ҳолда патент божлари ва тўловларини, шунингдек норезидентлардан товар белгиси ва саноат намунасининг хуқукий муҳофазасини бериш учун ундириладиган индивидуал бож ставкаларини босқичма-босқич камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Агентликнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, шу жумладан унинг ходимларини **моддий рағбатлантириш** бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек ўzlари қабул килган норматив-хуқукий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 февраль,
ПҚ-4168-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон **карорига**
ИЛОВА

Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

T/ р	Тадбир номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатла ри	Масъул ижрочиilar
I. Интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш				
1.	Куйидагиларни назарда тутувчи интеллектуал мулк соҳасидаги айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (Давлетов), вазирлик ва идоралар

	<p>қўшимчалар</p> <p>киритиш</p> <p>тўғрисидаги</p> <p>Ўзбекистон</p> <p>Республикасининг</p> <p>Қонуни лойиҳасини</p> <p>ишлиб чиқиш:</p> <p>Интернетнинг</p> <p>кундалик ҳаётдаги</p> <p>тобора ошиб</p> <p>бораётган ролини</p> <p>инобатга олган</p> <p>ҳолда товар</p> <p>белгилари</p> <p>«оммабоплиги»нинг</p> <p>аниқ мезонларини</p> <p>белгилаш;</p> <p>интеллектуал</p> <p>мулк обьектларини</p> <p>(товар белгиси,</p> <p>саноат намунаси ва</p> <p>бошқалар) ноҳалол</p> <p>рўйхатдан ўтказиш</p> <p>тушунчаларини</p> <p>мустаҳкамлаб</p> <p>қўйиш;</p> <p>товар</p> <p>белгисидан</p> <p>фойдаланишининг</p> <p>аниқ ҳолатларини</p> <p>унинг мақсадли</p> <p>қўлланилишини</p> <p>назарда тутган</p> <p>ҳолда белгилаш.</p>			
2.	<p>Миллий</p> <p>қонунчилика</p> <p>интеллектуал мулк</p> <p>соҳасида</p> <p>умумэътироф</p> <p>этилган халқаро</p> <p>стандартларни, шу</p> <p>жумладан Халқаро</p> <p>савдо</p> <p>ташкilotининг</p> <p>Интеллектуал мулк</p> <p>хукуқларининг</p> <p>савдо жиҳатлари</p> <p>бўйича битими</p> <p>талабларини</p> <p>инобатга олган</p> <p>ҳолда</p> <p>имплементация</p>	<p>Норматив-</p> <p>хукукий</p> <p>хужжатлар</p> <p>loyihalari</p>	<p>2019 йил</p> <p>октябрь</p>	<p>Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), вазирлик</p> <p>ва идоралар</p>

	қилиш.			
3.	Интеллектуал мулк хуқуқи соҳасидаги маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш хукуқини адлия органларига тақдим этган ҳолда, интеллектуал мулк обьектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Олий суд (<i>Камилов</i>), Баш прокуратура (<i>Таджисеев</i>), ДБҚ (<i>Азимов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), ИИВ (<i>Бобожонов</i>)
4.	Интеллектуал мулк обьектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти (<i>Рахимов</i>), Олий суд (<i>Камилов</i>), ДБҚ (<i>Азимов</i>)
5.	Патент вакиллари институтини, шу жумладан: патент вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш тизимини; патент вакилларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини; Интеллектуал мулк агентлигининг расмий веб-сайтида патент вакилларини аттестациядан ўтказиш жараёнини реал вақт режимида аудио ва	Норматив-хукукий хужжатлар лойихалари	2019 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>)

	видеотрансляция қилиш амалиётини жорий этиш орқали патент вакилларини аттестациядан ўтказиш коидаларини; илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида адвокатларга патент вакиллари сифатида фаолият юритиш хукуқини бериш орқали такомиллаштириш.			
6.	Интеллектуал мулк соҳасидаги интеграция жараёнини инобатга олган ҳолда, амалдаги патент божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан 2020 йил 1 январдан бошлаб патент божлари ва тўловлар ставкаларини, шунингдек норезидентлардан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиқсан жой номи ва саноат намунасига хукуқий муҳофаза тақдим этиш учун ундириладиган индивидуал божлар ставкаларини босқичма босқич камайтиришни назарда тутиш.	Норматив- хукуқий хужжатлар лойихалари	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Умурзаков</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), вазирлик ва идоралар

**II. Интеллектуал мулк хукуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини
такомиллаштириш**

7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон	Ўзбекистон Республикас и Президентин	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>)
----	---	---	--------------------	---

	Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш түғрисида»ги қарори лойихасини, шу жумладан Агентлик тузилмасини тасдиқлаш, унинг ходимларига адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мехнатига ҳақ тўлаш шартлари, мартаба даражалари ва бошқа рағбатлантирувчи устамалар татбиқ этилишини назарда тутган ҳолда киритиш.	инг қарори loyihasi		
8.	Апелляция кенгашини ташкил этиш, апелляцияларни кўриб чиқишининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, карор қабул қилишда тор идоравий манбаатлар устунлигининг олдини олишни назарда тутувчи Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши түғрисидаги низомнинг янгиланган ложиҳасини киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори loyihasi	2019 йил апрел ь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
9.	Тошкент давлат юридик университетида интеллектуал мулк кафедраси	Адлия вазирининг буйруғи	2019 йил март	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ТДЮУ (<i>Канъязов</i>)

	фаолиятини ташкил этиш.			
10	Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошида Патент судини ташкил этиш масаласини ўрганиб чикиб, асосланган таклифларни ишлаб чикиш.	Ахборот-таҳлилий хужжат	2019 йил март	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Олий суд (<i>Камилов</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Шарипов</i>)
11	Ўзбекистон Республикасининг Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасига, шунингдек мамлакатда инвестицион муҳитнинг яхшиланишига қўмаклашувчи интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро шартномаларга қўшилиши масаласини илгари суриш.	Ахборот-таҳлилий хужжат	2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ТИВ (<i>Камилов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), Маданият вазирлиги (<i>Сайфуллаев</i>), МТРК (<i>Хаджаев</i>)

III. Техник ва ўқув-методик базани таомиллаштириш, шунингдек интеллектуал мулк соҳасидаги ютуқларни амалий рўёбга чиқариш.

12	Интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурларни, ўқув-услубий материал ва қўлланмаларни ишлаб чиқиши.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ТДЮУ (<i>Канъязов</i>)
13	Қуйидагиларни таъминловчи интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини ишлаб	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ЛБМА (Ли), ДБҚ (<i>Азимов</i>), ДСҚ (<i>Мусаев</i>), Иқтисодий жиноятлар билан курашиш департаменти (<i>Рахимов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Садиков</i>)

	<p>чиқиши ва жорий этиши:</p> <p>хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш;</p> <p>хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва чиқариш;</p> <p>интеллектуал мулк хуқуки бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишда манфаатдор давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.</p>		
--	--	--	--

IV. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш

14 .	«Tashkent Law Spring» халқаро юридик форуми доирасида интеллектуал мулкни хуқуқий муҳофаза қилишнинг долзарб тенденцияларини муҳокама қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ТИВ (<i>Камилов</i>), «Тараққиёт стратегияси» маркази (<i>Туляков</i>)
15 .	Халқаро норматив-хуқуқий хужжатлар, ЖИМТнинг техник қўлланмалари ва илмий китобларини таржима қилиш ва мослаштириш бўйича ЖИМТнинг	Ташкилий чора-тадбирлар	тасдиқланган графикка мувофиқ	Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), ТИВ (<i>Камилов</i>), ТДЮУ (<i>Канъязов</i>)

	техник күмагини ошириш.			
16	Интеллектуал мулк, шу жумладан унинг хуқукий ҳимояси соҳасидаги миллий мутахассисларни ЖИМТнинг штаб-квартирасига стажировкага юбориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	тасдиқлан ган графикка мувофиқ	Адлия вазирлиги (Давлетов), ДБҚ (Азимов), ТИВ (Камилов) ТДЮУ (Канъязов)
17	Жамиятда интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқка нисбатан ҳурмат билан қараш маданиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот чоралари ва ишларини ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	тасдиқлан ган графикка мувофиқ	Адлия вазирлиги (Давлетов), Инновация вазирлиги(Абдурахмонов), МТРК (Хаджаев)

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2019 й., 07/19/4168/2594-сон)